

Англияда Қуръони каримни ўрганиш маркази ташкил этилади



11:30 / 16.05.2019 2140

Англиянинг Бирмингем шаҳри ҳокимиятининг рухсати билан янги Қуръон ўқув марказининг қурилиши бошланади. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Марказнинг қурилиши кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, шаҳар Кенгашининг режалаштириш қўмитаси томонидан уни бунёд этилиши тасдиқланган. Лойиҳа муаллифлари марказни «Халқаро тинчлик, адолат ва илм маркази» деб номланишини маълум қилган. Бу ерда диний маросимлар, жумладан никоҳ ўқитиш, жума ва жаноза намозлари адо этилмайди. Аксинча, Қуръон ва Суннат ўргатилади, адабиёт ва араб тиллари ўқитилади. Лойиҳага кўра, янги марказ таркибида 6 та ўқув хонаси, умумий кўргазма майдони ва йиғилиш зали қурилиши режалаштирилган. Ҳокимият мутасаддилари ушбу Қуръон ўқув марказини

Рамазон ойи тухфаси сифатида манфаатли бўлишига умид қилмоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти